



# ХУРИЯТ

МУСТАҚИЛ  
ГАЗЕТА

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади

1999 йил 22 - 28 сентябрь

38 (140)-сон

## САЙЛОВ: САВИЯ ВА САЛОҲИЯТ

Дастлабки босқич ҳаяжонлари

АНЖУМАН

Бир ойдири, мамлакатимизда "сайлов" сўзи оммалашиб бормоқда. Марказий сайлов комиссияси ва унинг матбуот маркази ўтказётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари туфайли сайлов ҳуқуқи, маданияти ва унинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти кўпроқ кўринмоқда. Олий Мажлисга сайлов ўтказиладиган 250 округ, Президент сайланадиган 14 округнинг ҳудудий чегаралари матбуотда эълон қилинди. Ҳадемай депутатликка ва президентликка номзодлар эълон қилинади ва сайлов кампанияси авж палласига киради.

Ҳозир биринчи босқич... Президент ва Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг бўлиб ўтган ишчи семинар-кенгашида сўзга чиққан маърузачилардан бири сайлов кампанияси уч босқичда ўтишини таъкидлади. Яъни: сайловга тайёргарлик; сайлов жараёнлари; натижаларни эълон қилиш.

Ҳар учала босқич мамлакатимиз фуқароларига бевосита ва билвосита дахлдор. Бу ўринда сайлов кампаниясининг марказида сайловчилар ва сайланувчиларнинг қонуний ҳуқуқи турли ташаббуслар билан таъминланган.

Кейинги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳақида қайғуриб гапирилмоқда, мана, ўша саводхонлик ва ўша маданиятга айна сайловлар чоғида нақадар эҳтиёж ортиши маълум бўлмақда.

Бир ҳақиқатни эътиборга олиш керак: сайлов бир кунлик воқеа эмас!

Одатда, биз халқимизни айна сайлов кунини фаол бўлишга, ҳар бир фуқаро шахсан ўзи овоз беришга одатланишига даъват этамиз. Ваҳоланки, фуқароларимиз ҳозирданок фаоллашуви зарурлигини очик-ойдин айтиш керак.

Бу фаоллашув нимадан иборат бўлади?

Саволга жавоб топиш учун мамлакатимиздаги, минтақамиздаги, қалаверса, дунёдаги вазиятни тўғри англаб етмоқ зарур. Эртага чиқарилажак қонуний мустақил Республикаимизнинг ана шундай мураккаб бир ижтимоий-сиёсий талотум ичидан эсон-омон ўтажогани таъминламоғи даркор. Мамлакат бамисоли бепоён ва тўфонлардан тиним билмас баҳри муҳит сатҳида сузиб бораётган кема бўлса, депутатлар бу кеманинг йўли ва йўналишини белгилаб беришади.

Ҳўш, "Ўзбекистон" деб аталмиш жондек азиз, Онадек ягона Ватанимиз тақдирини кимларга ишониб топширамиз? Олий Мажлисининг август ойидаги XIV сессиясида Президент И.Каримов мазкур савол юзасидан ўзининг шахсий мулоҳазаларини бир қадар баён этди.

Халқ ишониб сайлаган депутат замонни, давр қийинчиликларини илғаб етучи, мулоҳазали, тафаккурли, ноиблик масъулиятини чуқур ҳис этувчи инсон бўлмоғи лозим.

Сайловчилар фаоллиги шу ҳақиқатларни билиши билан белгиланади.

Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов семинардаги маърузасида: "Депутатликка оқил ва фозил инсонлар сайловдан ўтказилганда, уларнинг ҳуқуқ ва ҳақлари ҳимоя қилиниши керак" деган сўзларни эътиборга олиш керак.

## ЙИЛ МУҚАДДАМ...

1975 йилнинг қаҳратон қиши. Хизмат сафари билан Москвада "Мосфильм" киностудиясида юрган кезларим эди ўшанда.

Худонинг берган кунини киностудияга борардим. Четдан қараган кишига студиянинг суратга олиш павильонлари худди курилиш майдонини эслатарди. Эшиклар, ромлар, кўча деворлар, ҳар қадамда катта-кичик тахта уюмлари, турли-туман безаклар. "Так-туқ" овозларидан қулқ қоматга келади.

Дераза ойналари худди оҳак суркалгандек оқариб ётган узун йўлакдан ўтиб бораман. Ташқарида қиш. Ола-чалпақ ойналардан шамдек қотиб турган дарахтлар кўзга ташланади. Ҳовли жимжит. Ичкарида эса ҳаёт қайнайди.

Ҳар қадамда таниш чехралар учрайди. Қайси бирини қайси фильмда кўрганини эслаганимча лип этиб ўтиб кетишади.

Ана, Юозас Будрайтис билан Наталя Белохвостикова жимгина суҳбатлашиб ўтиришибди. Уларни "Тил Уленшигел ҳақида афсона" фильмида катнашаётганларидан хабарим бор. Ана, сигарет тутатганча Савелий Крамаров шошиб бораёпти. Хамишагидек хушчақчақ, оғзи қулоғида. Ана, ниҳоятда жиддий ва вазмин Сергей Бондарчук зинадан тушиб келаяпти. Мен у билан "Улар Ватан учун жанг қилдилар" фильми суратга олинаётганда Дон даштларида учрашгандим.

Анави ким бўлдикин? Жудаям таниш. Қаерда кўрганман уни? Йўқ, эслаёлмадим... "Тухта-чи" дедим ўз-ўзимга ва қувончдан қичқириб юбораёзим. "Акира Куросава-ку, ахир!.. Жаҳон кино санъатининг даҳоларидан бири, ўнлаб Халқаро кинофестивалларнинг бош совринлари билан тақдирланган, кўша-кўша "Оскар" мукофотларига сазовор бўлган сиймо!.."

Бейхитёр у шериги билан кириб кет-

## ПРЕЗИДЕНТ НИГОҲИДАГИ ҲАЙРАТ

Анъанавий теннис турнири якунланди



Суратга эътибор беринг, азиз газетхон! "Президент кубоги" турнири ёпилиш маросимида туширилган бу суратда Президентимизнинг, Николас Киферу Жорж Бастининг ҳайрат тула кўзларини кўряптими? Бу кўзларда дорилмон кўнларнинг шавқи, сурури мужассам эмасми? Бу кўзлардаги ҳайрат беш кун давомида ўтган Теннис байрами қувончлари ифодаси эмасми?

Дунёга донги кетган иккала ажнабий теннис устасининг ўзбек миллий либосида эканига эътибор беринг. Улар серкўш Ўзбекистондаги голибликлари нашидасидан хаяжонда эканини сезяптими? Қўлларидан тутган Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги билан ўз юртига фахрланиб, гурурланиб кириб бориш истаги намоянлигини айтмайсизми? Юртбошимизнинг жаҳоннинг ҳар иккала нуфузли ракетка устаси кифтига қоқиб, дил-дилдан: "Ўзбеклар юрти Сизларга доим очик! Сизларни бағримга босиб, кутиб олам!" деяётганини англайсизми?

Англаётган бўлсангиз айтинг-чи, юрт йўлбошчисики шундай хаяжонда экан, биз оддий фуқароларнинг кўнглидан не кўнглимиз? Уммман, беш кун давом этган Теннис байрами лар ухлаб етишибди.

Бир серсоқол аскар милтигини тозалаб ўтирибди. Козоққа ўхшаган бир чол бўлса гўё "гулхан"ни кавлаштираяпти...

Шу пайт русчаб "Тайёрланганлар!" деган товуш эшитилди. Павильоннинг баланд шифтларида осилган улкан прожектор-чироқлар "чарақ-чуруқ" қилиб кўз очди. Хамма ёқ худди офтоб чиққандек ёришиб кетди. Одамларнинг шивир-шивири, қадам товушлари худди деворларга сингиб кетгандек ўчди-қолди. Тарафг бир сукунат чўкди.

Фақат қоқсуяқ кўллари узун-узун, ихчамгина жуссали, озгин мўйсафид ўтирган қамишдан тўқилган оромкурсигина билан-биланмас гижирлаб кўярди. У кўлдан бери кўришни орзу қилганим машҳур япон кинорежиссёри Акира Куросава эди!

Ҳаяжон билан унга тикиламан. Унинг ним қорамтир кўзойнаги остидаги кўзлари худди тош қотганга ўхшайди. У озгин кўлини кутариб худди пашша қуриётгандек аста силқийди ва ингичка товушда дейди: "ма-тў-ур!.."

Сукунат янаям тараңлашади. Фақат кинокамерагина қамалиб қолган аридек "визиллайди"...

Йўқ, кутилган натижа чиқмади шекилли, яна Куросаванинг "Ст-ў-уп!.." деган товуши эшитилди. Яна одамларнинг гўнғир-гўнғири, асабий қадам товушлари эшитила бошлади. Актёрлар чеккани йўлак тарафга юришди. Мен ҳам эшикдан узоқлашдим. Йўл-йўлакай уларнинг биридан сўрадим. "Дерсу Узала" фильмининг "Тайга" эпизоди суратга олинаётган экан...

Бугун студиядаги ишларим эртароқ битди ва бейхитёр яна ўша кечаги йўлакка бурилдим.

Ўша манзара. Ўша одамлар. Павильонларнинг чанги осмонга чиқиб ётибди. Болтаю болгаларнинг тақиллаши, электр арраларнинг гириллаши, тахталарнинг гирчиллаши, одамларнинг говур-гувири, темир аравачаларнинг қалдир-қулдури... Ташқарида эса совуқ сукунат. Еру ос-

ниримизга ташриф буюраётган етук теннисчилар эътирофи ҳам исбот этмоқда. Турнир голиби Николас Кифернинг сўзларига эътибор беринг: "Ўзбекистонда иккинчи бор бўлишим. Аммо онг шууримда шундай бир туйғу пайдо бўлдики, юртингизга жуда кўп марта келгандайман. Кортга чиқишимни олқишлар ила қарши олган ҳар бир томошабин худди яқин қариндошимдек..."

Ҳа, бизнинг ўзбек халқи юрти, миллатидан қатъий назар, ҳар бир теннисчини ўз фарзандидек олқишлар билан кутиб олди. Ана шу халқнинг Президенти Ислам Каримов эса уларни бағрига босди, мусобақаларнинг жуда юксак даражада ўтказилганини таъкидлаб, бу ишга ҳисса қўшган барча ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирди. "Менимча, бу мусобақаларда мағлублар йўқ, — деди Президент. — Чунки, узоқ-яқиндан келиб турнирда иштирок этган спортчилар халқимизнинг, теннис мухлисларининг эътиборини ҳис этдилар, улар орасида ўзларининг минглаб ишқибозларига эга бўдилар. Бу, уларнинг катта ютуғидир".

Сўзни мухтасар қилсак, анъанавий теннис байрами

Хамма ҳар қаерда, ҳали суратга олиш бошланмаган кўринарди. Уч-тўрт қадам ичкарига кирдим. Уёқдан-буёққа гимирлаб юрган оператор ва рассом ёрдамчилари-ю, саҳна ишчилари ёнидан ўтиб борарканман, ўзим излаётган одамга кўзим тушди. Ана у, эғнида катта қўйлак, хилпиллаган жун свитер, бошида айовни катта, жигарранг тусли чарм кепка, кўзида қорамтир ойнак. У худди оқсоқланаётгандек хиёл чайқалган кўйи озгин кўллари орақсига қовуштирганча уёқдан-буёққа юрар, ора-чора тўхтаб атрафига аланлар, кейин яна хаёлга чўмиб туриб қоларди.

Шу пайт унга тикилиб турганимни сезди шекилли, жиккакина сермулозамат япон йигити ёнимга яқинлашди. Японча-лаб нимадир деди. Ана шу ерда инглиз тилини озми-кўпми билишим қўл келди-ю, унга мақсадимни айтдим. У "маъқул" ишорасини қилиб ним таъзим қилди-да, Куросава томонга бошлади. Икковимиз бош силқиб саломлашдик. Қўрқалис ўзимнинг журналист эканлигимни, янги олинаётган фильм ҳақида икки оғиз гаплашмоқчи эканлигимни тушунтирдим. Куросаванинг бир бурда юзига табасум ёйилди ва "Қаердансиз?" деди. "Тошкент. Ўзбекистон", деганимни эшитиб ёнидаги йигитчага қараб жилмайиб японча-лаб нимадир деди.

Йигитча мендан: "Сизнинг юртингизда бизни... Куросавани билишадими?" деб сўради.

Бу саволини кутмагандим, довдираб қолаёзим. "Билишмайди", деб бўлмайдик-ку, ахир? Бейхитёр кўрган, эшитган фильмларимни эсладим. Ужарлигим тутди. "Билишадим", дедим ички ишонч билан ва қўшиб қўйдим: "Расёмон", "Қизил соқол", "Етти самурай" деган фильмларни кўрганымиз, биламиз..."

Ёнимдаги япон йигитчанинг митти кўзлари йилтиллаб кетди ва Куросава икковлари бир-бирларига қараб мамун жилмайиб қўйишди.

Шундан кейин Куросава хиёл ингичка, титроқ товушда ўрис ёзувчиси Арсеневнинг "Дерсу Узала" асари асосида суратга олаётган янги фильми, ролларни ижро этаётган актёрлар ва бошқа ижодкорлар ҳақида қисқа, аммо аниқ гапириб берди.

## ФАЛОКАТ ЙЎЛАКЛАРИНИ ОЧИШДАН МУДДАО НИМА?

МУНОСАБАТ

Қирғизистон жанубидаги вазиятнинг ҳамон кескинлигича қолаётгани кўпчилик қатори бизни ҳам ташвишлантирмоқда. Жангариларнинг Сирт ва Тескей аҳоли ҳудудларига қилган навбатдаги ҳужумлари инсоний қиёфасини йўқотган террорчиларга нисбатан соф виждонли кишилар нафратини яна ўн чандон оширди.

Мени ҳамон бир нарса ўйлантиради. Нега Тожикистон ҳукумати ўз мамлакати билан Қирғизистон ўртасидаги чегарани тўсиб қўймапти? Ахир Хоит, Чўсал ва бошқа жойлардаги омборлардан Қирғизистон жанубида биқиниб ётган жангариларга қурол-яроғ, ўқ-дори, озик-овқат, дори-дармон, иссиқ кийим ва чодирлар ҳеч қандай тўқсинликсиз келтириляётгани аниқ факт-ку!

Наҳотки Тожикистон ҳукумати ўз ҳудудидан ўтиб, қўшни мустақил республикаларга ҳужум қилаётган террорчи-экстремистлар ҳаракатларига бефарқ томошабин бўлиб турса? Бир ҳовуч қабиҳ ниятли босқинчиларга тинч ва осуда ҳаёт жонирётган қўшнилари бошига қора кўнлар солиш учун ўз ҳудудидан фалокат йўлаklarини очиб бераётган ҳукуматни нима деб аташ мумкин?! Ахир тинч турмуш кечираётган қирғиз халқи ҳам бундай ҳунрезликлардан нарози бўлаётганини жаҳон афкор оммаси кўриб-билиб турибди-ку!..

Ф.КОМРОН

## А. АКАЕВ ТУРКИЯГА ҚЎНМАСДАН ҚАЙТДИ

ОЛ-А!

Хорижий дипломатик манбаларнинг хабар беришича, Германиядан юртига қайтиб келаётган Президент Аскар Акаев раҳбарлигидаги Қирғизистон делегацияси шу йил 14 сентябрь кунини бир кунлик визит билан Истамбул шаҳрига ташриф буюриши режалаштирилган эди. Бироқ, сўнгги дақиқаларда Измит шаҳридаги навбатдаги ер силқинишини вақ қилиб кўрсатган Туркия томони визит қолдирилишини сўради. Ваҳоланки, манбаларнинг таъкидлашича, мазкур визит Қирғизистон томонидан муҳим сиёсий тадбир сифатида режалаштирилган, мақсад эса Туркия ҳукумати ва халқига зилзилада берилган қурбонларга ҳамдардик изҳор этиши эди.

Вазиятнинг ғалатлиги шундаки, Қирғизистон делегацияси минган самолёт Истамбул аэропортига қўниш учун ҳозирлик қўраётган дақиқаларда ташриф қолдирилгани ҳақидаги хабар самолёт бортига узатилди. Расмий вакилларнинг ранжиши ва ўнғай-сиз ҳолатга тушгани турган гап, чунки А.Акаевнинг Истамбулга ташрифи ҳақида Қирғизистонда расман хабар эълон қилинган эди.

В. ВОХИДОВ

## "БОИНИ" СААДАНАТИ

Мамлакатимиз ҳамкори - жаҳондаги энг йирик авиасозлик компаниясидан репортаж



КЭБЕТ


Йўқ-э! Байроқ — бойроқларда!

Келгуси сонларда:

- ✓ 13 ёшли Дима митти дунё полвонларини йикитди!
- ✓ Ўғил кўрай, десангиз, ўнгу сўлнинг фарқига етинг!
- ✓ Журналистга ҳуқуқий ёрдам: сабоқлар сизлар учун!

Эркин УВ, 68





# МАШРИК

Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллиги шодоналари кунларида Тошкент аэропортига "Ўзбекистон ҳаво йуллари" миллий авиакомпанияси жаҳонга машҳур "Боинг" компаниясидан харид этган яна бир реактив самолёт келиб қўнди.

1916 йил июни. Американинг Тинч океани шимол-ғарбий соҳилларида жойлашган чекка Сиэтл шаҳарчасида ёш муҳандис-конструктор Уильям Боингнинг бир ўринли самолёти парвоз этади. Унинг қанотида бўлғуси авиация салтанатининг биринчи президенти исми



## ХАВФСИЗЛИК УЧУН КУРАШ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) иштирокида Косовода янги полиция мактаби иш бошлади. Унда дастлаб 2200 кишидан иборат тингловчилар гуруҳи сабоқ олишмоқда. Гуруҳнинг 80 фоизини албанлар, 13 фоизини серблар, қолган етти фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этади. 20 фойдан зиёд тингловчи авваллари миантақ полиция хизматиде ишлаган.

Ун бир мамлакатдан келган ЕХХТнинг 150 нафар инструктори тингловчиларга сабоқ беришмоқда.

Тингловчилар беш ой мобайнида жиноий қидирув, мудофаа тактикаси, полиция ташкилотларининг демократик принциплари (тутуми), ўқотар қуроллардан фойдаланиш, полиция хизмати кўникмаси, низоларнинг олдини олиш ва қочқорларга муносабат каби қатор йўналишларда таълим олишади. Бошланғич тайёргарлик низоҳасига етгач, номзодлар БМТ полиция зобитлари кўмағида 19 ҳафталик дала шароитидаги тайёргарликдан ўтишади.

Н.Аслонов тайёрлади

## ЯПОҢ ТАЪЛИМЛАРИ ТАҚДИМОТИ

**Гомоку удон - ўзимизнинг лағмонни эслатди**

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани ўзининг антикалиги билан аввалгиларидан фарқ қилди. Бу гал оммавий ахборот воситалари ходимлари марказга назар ёл хорижлик элчилар билан суҳбатлашиш учун эмас, яна таомлар билан танишиш мақсадида ташиф буюришди. Япон таомлари тақдимот маросимини марказ раҳбари А.Каримов кириш сўзи билан очар экан, анжуман Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари дастури доирасида ўтаётганлигини таъкидлади. Шундан сўнг Япониянинг Ўзбекистондаги факуллода ва мухтор элчиси Кёко Накаяма хоним икки биродар мамлакат ўртасида кундан-кунга ривожланиб бораётган дўстлик алоқаларини юқори баҳолаб, бунинг учун Ўзбекистон ҳукуматига ўзининг самимий ташаккурини билдирди.

Анжуманинг энг қизиқарили ўрни япон ошпази (у ҳам бизнинг ошпазлардек қориндор экан) Махото Таширонинг япон миллий таом ва ичимликларини тайёрлаш жараёни, унинг ўзига хосликларини хусусида сўзлаб, йиғилганларга гомоку удон (сабзавотли шурва)ни пишириш жараёнини кўрсатиб берди.

Анжуман сўнгида йиғилганларни Махото ўзи тайёрлаган гомоку удон билан сийлади. Бақлажон, замбуруғ, Хитой қарами, сув ўтлари ва бошқа мазалиқлардан қўшиб пиширилган япон таомининг мазаси анжуман қатнашчилари ёдидан узоқ вақтлар кетмаса ажабмас.

Ф.КОМРОН

## АҚШГА ЎҚИШ ИМКОНИЯТИ

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси 2000-2001 ўқув йили учун 9 йўналишдаги таълим дастурини эълон қилди. Шу муносабат билан Америка бизнес марказида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жозеф Прессел, Америка халқаро тадқиқотлар ва алмашинув кенгаши, Америка халқаро тараққиёт кенгаши раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва хорижий журналистлар мазкур таълим дастурлари бўйича ўзлари кўзичтирган саволларга жавоб олишди.

Дарвоқе, халқаро таълим бўйича Америка кенгашининг таълим дастурлари қуйидагилардан иборат:

1. Мактаб ўқувчилари учун дастур;
2. Ўқитувчилар учун дастур;
3. "Таълимдаги ҳамкорлик" дастури;
4. Талабалар алмашинув дастури;
5. Мутахассислик бўйича тайёрлов ва таълим;

6. Олимлар ва олий ўқув yurtлари ўқитувчилари учун дастур.

Америка халқаро тадқиқотлар ва алмашинув кенгаши (АЙРЕКС) "Замонавий долзарб муаммолар" дастурини, АҚШ ахборот хизмати профессор Фулбрайт ва Хьюберта Хаифри дастурларини тақдим этади.

Дастурларни АҚШ ахборот хизмати ва иккала хусусий таълим ташкилотлари молиялаштиради. Ўқиш ёки тажриба алмашинув имконини қўлга киритганлар учун кетадиган барча сарф-харажатларни АҚШ ҳукумати таъминлайди.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

**41 Buyuk Turon Str. 700000 Tashkent, Uzbekistan Telephone /+998-71/ 133-70-96 133-35-81 133-120-62 Fax /+998-71/ 130-62-24 E-mail: Tashkent @ usis.uz**



само қушларига эга бўлган "Ўзбекистон ҳаво йуллари" жаҳон авиаташувлар бозориде мустақам ўринни тутмоқда. Навбатдаги, тўртинчи "Боинг-757" ҳам мамлакатимиз довуруғини оламга ёйишга хизмат қилади. Айтгандай, келажак шундай туркумдаги самолётларникидир. Зеро, уни ХХI аср қанотлари дейишларида жон бор. Хозир жаҳон авиаташувларининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боис ҳам миллий авиакомпаниямиз "Боинг - 757" самолётини танлагани бежиз эмас. Тежамкор ва замонавий самолёт соатига 850 километр тезликда 5500 километргача парвоз этиши мумкин. Двигателлари ҳам қудратли, у "Пратт энд Уитни"да

ишлаб чиқилган. Миллий авиакомпаниямиз буюртмасига кўра ўриндиклар сони 184 та бўлиб, улар йўловчилар учун жуда қулай. Салоннинг ўзи ҳам юксак дид билан чиroyли бажарилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлида яна бир янги саҳифа очилди. "Урганч" номини олган тўртинчи "Боинг" эса мустақиллик қанотларимизни янада мустақамлади.

Алшер РЎЗИЕВ

**Эвереттдаги заводнинг йиғув ҳеҳида, "Урганч" Тошкентга парвоз этиш олдидан.**

Равий Яруллин олган суратлар

## ЙИГИРМА БЕШ

**Буюк япон кинорежиссёри Акира Куросава билан учрашган эдим**

## ЙИЛ МУҚАРРАМ...

1975 йилнинг қаҳратон киши. Хизмат сафари билан Москвада "Мосфильм" киностудиясида йорган кезларим эди ўшанда.

Худонинг берган кун киностудияга борардим. Четдан қараган кишига студиянинг суратга олиш павильонлари худди қурилиш майдонини эслатарди. Эшиклар, ромлар, кўча деворлар, хар қадамда катта-кичик тахта уюмлари, турли-туман безаклар. "Тақ-туқ" овозларидан қулқ қоматга келади.

Дераза ойналари худди оҳак суркалгандек оқариб ётган узун йўлакдан ўтиб бораман. Ташқарида киш. Ола-чаллак ойналардан шамдек қотиб турган дараклар кўзга ташланади. Ҳовли жимжит. Ичкарида эса ҳаёт қайнайди.

Хар қадамда таниш чехлар учрайди. Қайси бирини қайси фильмда кўрганнинг эслағунингча лип этиб ўтиб кетишади.

Ана, Юозас Будрайтис билан Наталя Белохостикова жимгина суҳбатлашиб ўтиришди. Уларни "Тил Уленишигел ҳақида афсона" фильмида қатнашаётганларидан хабарим бор. Ана, сигарет тутатганча Савелий Крамаров шошиб бораляпти. Хамишагидек ҳушқачқак, озги қулғида. Ана, ниҳоятда жилдий ва вазмин Сөргей Бондарчук зинадан тушиб келаяпти. Мен у билан "Улар Ватан учун жанг қилдилар" фильми суратга олинаётганда Дон даштларида учрашгандим.

Анави ким бўлдикин? Жудаям таниш. Каерда кўрганман уни? Йўқ, эслаёлмадим... "Тўхта-чи?" дедим ўз-ўзимга ва қувончдан қичқириб юбораёздим. "Акира Куросава-ку, ахир!.. Жаҳон кино санъатининг даҳоларидан бири, ўнлаб Халқаро кинофестивалларнинг бош совринлари билан тақдирланган, кўша-кўша "Оскар" мукофотларига сазовор бўлган сиймо!.."

Беихтиёр у шерги билан кириб кет-

ган павильон тарафга юрдим. Эшикдан мўраладим.

... Студияда тайга манзараси. Тевараги чангалзор. Ўртада гулхан гурилляйди. Атрофда йорн неча аскарлар ухлаб ётишди. Бир серсокол аскар милтигини тозалаб ўтирибди. Қозоққа ўхшаган бир чол бўлса гўё "гулхан"ни кавлаштиряпти...

Шу пайт русчалаб "Тайёрланганлар!" деган товуш эшитилди. Павильоннинг баланд шифтларида осилган улкан прожектор-чироклар "чарақ-чурқ" қилиб кўз очди. Ҳамма ёқ худди офтоб чиққандек ёришиб кетди. Одамларнинг шивир-шивири, қадам товушлари худди деворларга сингир кетгандек ўчди-қолди. Тарағ бир сукунат чўкди.

Фақат қоқсуяқ қўллари узун-узун, ихчамгина жуссали, озгин мўйсафид ўтирган қамийшдан тўқилган оромкурситина билинар-билинмас гижирлаб қўярди. У қўлдан бери кўришни оруз қилганим машҳур япон кинорежиссёри Акира Куросава эди!

Ҳажон билан унга тикиламан. Унинг ним қорамтир кўзойнаги остидаги кўзлари худди тош қотганга ўхшайди. У озгин қўлини кўтариб худди пашша кўриётгандек аста силкиydi ва ингичка товушда дейди: "ма-тў-ўр!.."

Сукунат янаям таранглашади. Фақат кинокамерагина қамалиб қолган аридек "визилляйди"...

Йўқ, кутилган натижа қилмади шекилли, яна Куросаванинг "Ст-ў-ўр!.." деган товуши эшитилди.

Ана одамларнинг гўнғир-гўнғири, асабий қадам товушлари эшитила бошлади. Актёрлар чеккани йўлак тарафга юришди. Мен ҳам эшикдан узоқлашдим. Йўл-йўлакай уларнинг бирдан сўрадим. "Дерсу Узала" фильмининг "Тайга" эпизоди суратга олинаётган экан...

...

Бугун студиядаги ишларим эртароқ битди ва беихтиёр яна ўша кечаги йўлакка бурилдим.

Уша манзара. Уша одамлар. Павильонларнинг чанги осмонга қичиб ётибди. Болтао болгаларнинг тақиллаши, электр арраларнинг гирилляши, тахталарнинг гирилляши, одамларнинг говур-гувури, темир аравачаларнинг қалдир-қулдури... Ташқарида эса совуқ сукунат. Еру ос-

мон оплоқ қор кўрпасига бурканиб мударяпти. Бу ерда бўлса тиним йўқ. "Каино қуришяпти". Шу галати ибора хаёлимга келди-ю қулгим кестади.

Йўлакдан ўтиб келган павильонга яқинлашдим. Баҳайбат, залворли эшик очик эди.

Уша манзара... Чангалзор... Гулхан... Одамлар...

Ҳамма ҳар қаерда, хали суратга олиш бошланмаган кўринарди. Уч-тўрт қадам ичкарига кирдим. Уёқдан-буёққа гимирлаб юрган оператор ва рассом ёрдамчилари-ю, саҳна ишчилари ёнидан ўтиб борарканман, ўзим излаётган одамга кўзим тушди. Ана у, эғнида катак қўйлак, хилпиллаган жун свитер, бошида айвонни катта, жигарранг тусли чарм кепка, кўзида қорамтир ойнак. У худди оқоқлашаётгандек хийл қайқалган қўйи озгин қўлларини орқасига қовуштирганча уёқдан-буёққа юрар, ора-чора тўхтаб атрофига аланлар, кейин яна хаёлга чўшиб туриб қоларди.

Шу пайт унга тикилиб турганимни сездим шекилли, жиккаккина сермулозамат япон йигити ёнимга яқинлашди. Японча-лаб нимадир деди. Ана шу ерда инглиз тилини озми-кўпми билишним қўл келди-ю, унга мақсадини айтдим. У "маъқул" ишорасини қилиб ним таъзим қилди-да, Куросава томонга бошлади. Икковимиз бош силкиб саломлашдик. Кўрқалиса ўзимнинг журналист эканлигимни, янги олинаётган фильм ҳақида икки озги гаплашмоқчи эканлигимни тушунтирдим. Куросаванинг бир бурда юзига табассум ёйилди ва "Қаердансиз?" деди. "Тошкент. Ўзбекистон", деганимни эшитиб ёнидаги йигитчага қараб жилмайиб японча-лаб нимадир деди.

Йигитча мендан: "Сизнинг юртингизда бизни... Куросавани билишадими?" деб сўради.

Бу саволни кутмаганим, довдираб қолаёздим. "Билишмайди", деб бўлмайдик-ку, ахир? Беихтиёр кўрган, эшитган фильмларимни эсладим. Ужарлигим тутди. "Билишадим", дедим ички ишонч билан ва кўшиб қўйдим: "Расёмон", "Қизил сокол", "Етти самурай" деган фильмларни кўрганмиз, биламиз..."

Енимдаги япон йигитчанинг митти кўзлари йилтиллаб кетди ва Куросава икковларим бир-бирларига қараб мамнун жилмайиб қўйишди.

Шундан кейин Куросава хийл ингичка, титроқ товушда ўрис ёзувчиси Арсеневнинг "Дерсу Узала" асари асосида суратга олаётган янги фильми, ролларни ижро этаётган актёрлар ва бошқа ижодкорлар ҳақида қисқа, аммо аниқ гапириб берди.

Мен эса ён дафтарчамни олиб дарров ёзиб олишга ошиқдим. Дафтарчам саҳифасида ёзувлар пайдо бўла бошлади: Солломин Арсенев ролини, Суйменқул Чўқмооров Чжан Бао ролини ўйнашаётган экан. Операторлар - Ю.Гантман, Ф.Добронравов, А.Накаи. Рассом Юрий Ракша ва ҳоказо ва ҳоказолар...

- Жаноб Куросава нима учун бадиий асарларни экранлаштиришни яхши кўрадидилар? - навбатдаги саволимни бердим мен.

- Масалан, қайси фильмни назарда тутаяпсиз? - сўради Куросава.

- Масалан... Шекспирнинг "Макбет", Достоевскийнинг "Телба", Горькийнинг "Тубанликда" асарларини назарда тутаяпман. Мен уларни кўрмаганман, аммо эшитишимча, ўша китоблардаги воқеа-ҳодисаларни япон ҳаётига қучириб ўтказган экансиз...

Саволим Куросавага маъқул тушди шекилли, майин қулмисираб қўйди-да, кўлларини ёзиб хитоб қилди.

- Сиз айтган китоблар жаҳон классикаси!.. Улар даражасига етказиш қийин иш. Мен уларни халқимга янада яқинроқ таништириш мақсадида Японияга қучирганман. Асарларнинг гоёси, мақсад, мазмуни ўзгармаган. Фақат воқеалар Японияда кечади, ҳолос. Бу нарса одамларни адабиётга янада яқинлаштиради, тафаккурини бойтади, деб ўйлайман.

... Сўхбатимиз шу ерда узилди. Акира Куросавани кимдир телефонга қачирган ва у зудлик билан чиқиши керак эди.

Куросава "ўзр" дегандек кўлларини ёзиб ўрнидан турди. Мен беихтиёр доимий ҳамроҳим - ён дафтаримни узатдим. У ингичга бармоқлари орасига рўчка қистириб дастхат ёзиб менга узатди. Раҳмат айтдим. У ҳам бош силкиб миннатдорчилик билдирди, чуваккина юзига ёқилим табассум югурди...

Куросава шериклари билан студиядан чиқиб кетди. Мен ҳам эшик тарафга юрдим ва "Чекиш хонаси"га ўтиб, унутилмас учрашув тафсилотини дафтарчамга туширишга шошилдим.

Эркин УСМОНОВ

**АЖАББО!**

**Африқоликлар, Америко ҳиндиларининг уйлари бурчаксиз қурилиши сабабли улар ҳеч қачон қон босими, руҳий зўриқиш билан хасталанмас эканлар.**

**ЎТГАН УМРНИ ҚАЙТАРИБ БЎЛМАС!**

Инсонларнинг дину дунёларини тузатмак матлуб бўлса, энг аввал гўзал хулққа эга бўлмоқ ила оиналарни тузатингиз. Оиналар тузатганидан сўнг дин ҳам, дунё ҳам тузалур.

Дунёда низомиёсиз ва тартибсиз бир иш йўқдир: қушлар ўзлари учун у ясайдилар. Бу вақт она қушларга ота қушлар ёрдам берадир. Она қуш узда ўтириб бола чиқарган вақтда ота қуш четдан ризқ ташиб, уни тўйдирадир. Болалар чиққандан сўнг ота қуш ила она қуш бирликда болаларини тарбия қиладилар, бирликда учишга ўргатулар. Бу эса бир низомиёсиз.

Илмлюю ақлли халқлар низомиёсизлик бошқалардан қўрқиб эмас, балки низомиёсизлик бўлгани учун унинг ҳузуринда бош эғиб, буйсуниб турадилар.

Низомиёсизлик итоат қилмоқ учун керакли бўлган хизматларни, вазифаларни билиб туриш лозим. Уз вазифасини ўзи билмаган одам нақадар тиришса-да, низомиёсизликни ўрнига келтира олмас.

Дунёда роҳат қилиб яшамоқчи эканган одамлар эзгу гулгил ва бошқаларга эзгулик қилувчи бўладур. Эзгу кўнгилли ва халқларга эзгулик қилувчиларнинг ичи қайғули бўлмас, доим роҳатда бўлиб дунё суратдилар.

Эзгу кўнгилли одамлар Оллоҳ таоло ва бандалар олдидеги бурчларини адо этадилар. Шунинг учун кўнгиллари азобланмас.

Ўтган умрни қайтариб бўлмас. Умр энг қимматли бир давлатдир. Демак, бу бебаҳо давлатнинг қадрини билиш керак. Одам учун қамолотга эришишнинг ишончли йўли фақат илмдир.

Ризоуддин ибн ФАҲРУДДИН

**ХУРРИЯТ**

22 - 28 сентябрь 38 - (140) сон

Муассиса: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллов-қувватлаш жағғормаси

Бош муҳаррир: Хурида ДУСТМУҲАММАД

Тахрир хайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқоҳир ИБРОҲИМОВ, Амirkул КАРИМОВ, Абдуқоим ЙУЛДОШЕВ, Нани КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмадҷон УЛМАСОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2

Тахрират манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс: Яққа обуначилар учун - 233 Тошкент учун - 234

«Шарк» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Топшириш вақти - 21.00

Нуриддин ИСМОИЛОВ Топшириш вақти - 20.00

Буюртма - Г 0753

Муаллиф фикри тахрират нуктаи назаринан фарқланмиш мумкин. Тахриратта юборилган мактуб ва мақола-ларга эъза жавоб қайтарилмайди.

ТАХРИРИЯТДАН: Баъзан кундалик югур-югурлар билан банд бўлиб, ёнгинамизда яшаётган, ишлаган ва ишлаётган устозларни, ҳамкасбларни унутиб қўямиз. Ёдимизга тушса, бир қур хижолат бўламиз-у, яна...

Таниқли устоз адиб, неча ўнлаб асарлар муаллифи, миллий матбуотимиз заҳматқашларидан бўлган Ёқубжон Шукуров тахририятимизга қўнғироқ қилганидан шундай ноқулай аҳволга тушдик. Ёқубжон ота "Хуррият" учун махсус шингил хотиралар битганини айтганда ташаккур изҳор қилдик ва хотиралардан бир жуфтани отанинг хонадонига бориб олиб келдик.

Ёқубжон ШУКУРОВ

танитасиз, саволлар берасиз. - Қанака савол? Мен йигитнинг қўлига қоғоз, қалам тўтқазиб еттига савол ёздирдим. Қайси мактабга боришини тушунтирдим. Пиримқул эртасигаёқ чала-ярим бўлса саволларга жавоб келтирди. Хабар ёзолмабди. Мен қўлимсираб ўтирган машинисткамиз, ажойиб аёл Зухраҳонга икки нусха қоғоз қўйишни илтимос қил-

ҲАСАД

ҲАЖВИЯ

Бир пайтлар халқаро журналистлар ташкилотининг лотереяси бўларди. У аксарият матбуот ходимлари ўртасида тарқатиларди. Босмаҳонага ҳарф терувчи бўлиб ишга кирган Замира ҳам биринчи маошидан шу лотереядан беш дона олган экан. Шулардан битта-сига "Жигули" чикса бўладими? Омадини қаранг! Бу хабар босмаҳона-ю тахририятга яшин тезлигида тарқалди. Ҳаммининг оғзида шу гап.

- Нима? Замирага "Жигули" чиқибди? Қайси Замирага? - деди қандайдир мақола устида ишлаб ўтирган Полвонов бу хабарни келтирган ҳамкасбига ҳайрат билан тикилганча. У айна пайтда қизик турган темирга ноҳос кўл текизиб олгандек талмовсираб қолганди.

- Босмаҳонада ишлайди-ку, - тушунтирган бўлди ҳамкасби. - Янги келган ҳарф терувчи қиз бор-ку, шунга-да.

- Ҳа, уми? - деди чўзиб Кароматов Замирани кўз олдига келтиргандек ва баттар қошларини чимчириб ўрнидан туриб кетди. - Ахир у ҳали турмушга чиқмаган дейишади, - деди сўнгра худди турмуш қурмаган кишининг лотереясига ютук чиқиши мумкин эмасдай ажабланири оҳангда.

- Яқинда чиққоқчи экан, - деди ҳамкасби. Кейин мийғида жилмайиб қўшиб қўйди. - Худод бир берса қўша-қўша бераркан. Энди тўйда машина қалитини кўёвга совға қилади.

- Кўёв совға қилиш ўрнига қиз совға қилса? Қандай замонлар бўлаяпти ўзи! - норози оҳангда гапирди Полвонов. Кейин фиғон бўлиб деди. - Ўттиз йилдан бери газетанда ишлаб, професионал журналист, бўлим мудири бўлиб, неча йиллардан бери эрталабгача дежурлик қилиб мошина менга чиқмай, нега унга чиқар-кан? Ахир у журналист эмас-ку! - Полвонов асабий-лашган ҳолда ютукни қаршида турган ҳамкасби чиқаргандек, гўё ҳаммасига шу ҳамкасби айбдордек катта-катта кўзларини унга лўқ қилиб тикилиб турарди.

- Ўтқучи бу журналист, фалон йил ишлаган, бу журналист эмас деб чиқармайди-ку, - Полвоновнинг фик-

рига эътироз билдирди ҳамкасби. - Буям бир омад-да. Мана, бултур бизнинг қишлоқдаги машинага минса боши айланадиган бир кишининг ДОСАФФ лотереясига "Волга" чиққанди.

- Ишқилиб куёвнинг праваси бор эканми? - сўради Полвонов бўшашиб, гарчи бунинг ўзига мутлақо аҳамият ва алоқаси бўлмаса ҳам.

- Бу ёғини эшитинг, - деди ҳамкасби бепарволик билан Полвоновнинг ярасига баттар туз секиб. - Биласиз, лотереяни Тўлқин, - у тахририят хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудирининг исмини айтди, - тарқатганди. Ҳеч ким олмагандан кейин шу бештани қўярда-қўймай Замирага берган экан. Замира пулим йўқ, биринчи ойлигим ўзимга зарур, десам ҳоли-жонига қўймабди.

- Эҳ, калла, - деди Полвонов пешонасига шапатайлаб уриб, - Тўлқин менгаям шу бешта лотерея қолди, олинг, деб келганди. Олмаганим, - Полвонов қаттиқ афсусланди. - Эссиз олсам бўларкан, - у дафъатан ўзига тегишли қимматбахо буюмини бошқа бировга олдириб қўйган кишидек довдираб қолганди. - Ҳозир ҳам бориб олсам бўладими-а?!

У афтидан бир киши гапини маъқулласа ҳозирроқ Замиранинг ёнига бориб, "машина меники, берасан" деб ёқасидан олишдан ҳам қайтмасди. Лекин ноҳос Полвоновнинг чеқкалари, пешонасидан майсаларга инган шудринг томчиларидек тер чиқа бошлади. Ўзи оқаринқиради. Авзойи ўзгарди. Худди биров билан муштлашиб энгилгандек абгор ҳолатда, бошига оғир мусибат тушгандек маъюслашиб жойига ўтириб қолди.

- Оҳ, юрак, юрагим ўйнапти, - дея чўкур ҳўрсинди ва кўкрагининг кап томонига қафтини қўйди. "Уф-уф" лаганча стол тортмасидан "Валидол" олиб тилинини остига ташлади.

Ҳамкасби Полвонов ҳақидаги навбатдаги хангомани бошқаларга тезроқ айтиб бермоқчи бўлдики ёки бирор қори-хол юз беришидан чўчидими, ҳарқалай секингина хонадан чиқиб кетди.


Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

Бухоро

ШИНГИЛ ХОТИРАЛАР

КАДР

ЖУРНАЛИСТИКАГА КИРИШ ЁКИ ИҚТИДОРЛИ ШОГИРД УЧУН ҚАЙГУРИШ



"Қизил Ўзбекистон"да (Ҳозирги "Ўзбекистон овози") ишлайдиган кезларимиз шахматнинг ашаддий ишқибозлари йиғилиб қолган эканмиз. Биз ёши улургроқ ходимлар уйинимизни кузатиб турган ёш йигит четдан туриб теша тегмаган йулларни айтиб қолди. Қарасак, жуда пухта!

Танишдик. Исми Саъдулла, касби ўқитувчи экан. - Ўқитувчи бой бўлиши мумкинми? - деб сўраб қолди у бир кун.

- Бой ҳам бўлмайди, гадо ҳам бўлмайди. Аммо доно бўлайди, - дедим. - Ҳақиқатни байроқ қила олган одам - энг доно одам. Дехқон умид билан уруғ сочганидек, сиз ҳам болаларга ақл, маърифат, одоб уруғини сепсангиз, ўлкамизни нур билан яратган бўласиз.

Саъдулла мамнун бўлиб қолди. - Бирок, - дедим мен. - Мабодо бойроқ бўлишни орзу қилсангиз, бошқароқ маслаҳат берардим. Матбуотчи, журналист бўласиз.

- Вой, вой, акажон, нималар деяпсиз? Ўқимаган, бу соҳада билимим бўлмаса...

Ҳаётнинг ўзи билим хазинаси. Заҳнингиз баланд. Бисмиллосига мен ўргатаман. Бирга ишлайми. Ҳўш, розимисиз?

- Розиман, устоз, жон қабул қиламан!

Уша куннинг эртасига муҳаррир ўринбосари Холбек Ёдгоровнинг хузурига кирдик.

- Ҳўш, газетани тушунасизми? - сўради ўринбосар. - Тушунаман, - деди Саъдулла дадил.

- Унда, - деди Холбек ака менга, - бу кишига Фарғона газетасини бериинг, бир ойлигини обзор қилиб келсин-чи, кўрамиз.

"Коммунист" газетасининг бир ойлик боғламини кўтариб бизнига келдик. Иккаламиз бетма-бет очиб, зарур ва нозарур ҳужжатларни йиғиб бўлган, мен айтиб турдим, Саъдулла қорозга туширди. Тайёр бўлган тахлилга "Улғу даврининг ҳикматлари" деган сарлавҳа қўйдик.

Обзорни ўқиган Холбек ака сўради: - Фикри ёмонмас, яхшигина обзор чиқибди. Энди битта оғерк ёзинчи! - Оғерк ҳам биргаликда ёзилди. Чунки мен Саъдуллага ишқим тушган, қандай бўлмасин, уни бўлимга ишга олиш

ниятда эдим. Қолаверса, ундаги зий-рақлик, топқирлик айна журналистбоп фазилатлар эди. Хуллас, "Сигит сўти"-тилида, кўй думбаси чўпон дилида" сарлавҳали очеркни ўқиган Холбек Ёдгоров хурсанд бўлиб Саъдуллани ишга олди.

Тез орада Саъдулла Кароматов "Тошкент оқшони"га котиб бўлиб ўтди. Бир йилдан кейин муҳаррирлик вазифасига кўтарилиди. Газетани бутун республикага танитди. Шу орада у бадиий асарлар ҳам ёзишга киришди. Хар бир ҳижо, қиссаларни чўкур мулоҳаза, маслаҳат асосида бошларди. Босилиб чиққан китобларини мамнуният билан менга тақдим этарди.

"Олтин кўм" номи романига шундай деб ёзиб, менга келтирди: "... Кўлимдан етаклаб журналистика - қалам ишлатишга ўргатган меҳрибон ва улўғ устозим Ёқубжон акага тақдим этаман..."

Романга сўзбоши ёзган муҳтарам халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий гоғт умидли сўзлар билан муаллифининг порлоқ ижодига юксак баҳо берди.

Оддий ўқитувчининг журналистга, журналистдан таниқли адибга айланиши шу тариха кечди...

УЙЛАНИШ ЁКИ АЙНИЙ ДОМЛАНИНГ УРИГИ

"Ленин учқуни" (ҳозирги "Тонг юлдузи") газета тахририятида Қуддус Муҳаммадий, Ғанижон Жаҳонгиров, Рамз Бобожон, Пулат Мўмин, Мавлон Икром, Махмуд Муродов, Қудрат Ҳикмат, Уғлилой, Афифахон, Сергей Синицкий, Шарофиддин Туробов каби аломат истеъод эгалари - қаламқашлар билан бирга хизмат қилар эдим. Бир кун бошқа муҳбирлар қатори тортиноққина бир йигит кириб келди-да, саломлашиб чекага ўтирди.

- Тортинмай, тилагингизни айтаяверинг, ўқажон! - деб қарши олдим уни. - Исмин Пиримқул. Тилагим... тилагим... халиги, илтимосим шукки...

- Ҳўш, хўш? - Студентдан, ота-онам, бирон ёрдамчим йўқ...

- Ёрдам пули йиғиб берайми? - Йўғ-э, халиги, халиги...

- Тушундим, сиз биронта шеър, ҳижо, пьеса ёзиб келдингизми? - Йўғ-э! Унақага ўқувим...

- Тушундим... Сиз муҳбирлик қилмоқчисиз, тўғрими? - Ҳа, ака. Иложи бўлса... - Вой, ўқажоним-э, иложисиз иш йўқ. Мактабга бориб, муҳбир эканингизни

дими. "Мактаб боғида лозазор" сарлавҳаси остида бир ярим қоғоз хабар ёздик. Бир нусхасини эсдалик учун йигитга бердим. Хабар газетасига босилди. Дурустгина қалам ҳақи ҳам олди. Кейин қизиқиб, илгор мактаб, фабрикаларга бориб, саволларимга жавоблар келтириб юрди. Ўзи ҳам ёзишга ўргатди.

Бир кун келиб, Пиримқул: "Сиз менга устозгина эмас, ота бўлиб қолдингиз. Шу сабабли катта сўроғим бор", деди.

- Қани, қани, қўлимдан келса, марҳамат.

- Келди, отахон. Фақат рад этмай-сиз. Уйланмоқчиман. Жуда бир чиройли, ақли қиз билан ваъдалашдик, уйлантириб қўйсангиз.

- Пулдан қарашиб юборайми? - Йўғ-э! У жуда ҳам бойвачча қиз.

- Ҳўш? Мен нима қилишим лозим? - Улар Самарқандда туришади. Ота-сини кўнмаётгандек, сиз ўртага тушсангиз...

Илтимосни эшитиб, ўйлаиб қолдим. Очиги, ҳайрон бўлдим. Йигит бўлса: "Жон отам, меҳрибон устозимсиз, уч кунга бориб келинг! Ургили сиздан, устоз!" - деб ёлвора бошлади. Мен боришга сўз бердим. Турғунбой Файзиев (ҳозир таниқли тарихчи олим) деган йигит билан Самарқандга бордик. Аввал қиз билан танишдик, унинг кўнглига қўл солдик.

- Сафаяхон, сиз фаришадек қиз экансиз, йигитингизнинг қаламига қанот, қалбига мадор бўларсиз, деган ниятданам.

Қуллук, домла! Маъқул. Фақат дадам...

Қизнинг отасини шаҳар фирка қўмитасига қачиртириб сиёсат қилдик, ёшларнинг сеғвигисига қаршилик кўрсатмаслигини илтимос қилиб пича пўписса ҳам ишлатдик.

Пиримқулнинг онаси, акалари бор экан. Дарҳол тўй қилдик. Файзиев иккаламиз кўёв-келинга оқ йўл, бахт-саодат тилаб, Тошкентга қайтдик...

Матбуотга шогирд сифатида кириб келган уша Пиримқул - ҳозирги улкан адиб Пиримқул Қодиров билан меҳроқибатимиз узок давом этди...

Ҳа-я, кези келганда, уша Самарқанд сафаримиз чоғида Садриддин Айний домланикига бирров кирганимизни ҳам айтмай.

Домла бизни илик қарши олиб, дастурхонга бир жуфт суви қонғароқ қон билан, ликопчада яхши пишган ўрик қўйдилар. Тошкентда "Қуллар" наърдан чиқаятганини муҳаррир Насрулло Даврондан эшитганимни айтдим.

- Насруллога айтинг, қалам ҳақини телеграфдан жўнатмасин, келтиргани учун кўп ортик ўриб қолади, почта орқали йўлласин, - дедилар Айний домла.

Сўхбатга аралашмай ўтирган Турғун билан Пиримқул, ширин экан шекилли, ўриқдан бирин-кетин олганидан ликопчанинг тағи кўрүниб қолди. Тўсатдан Айний домланинг жаҳли чиқиб кетди.

- Бу ўрик юракка мадор бўлгани билан, қоринга қони зиён, - деб юборди астойдил ранги гезариди.

Маърузадан: - Хулоса қилиб айтганда, айтиш керакки, биз барча фикримизни айтиб ўтдик.

ДАВЛАТ ТИЛИ ТУРГИСИДАГИ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА ЯҚИНДА 10 ЙИЛ БЎЛСА-ДА, БАЪЗИ АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХУЖАТЛАР ҲАМОН ДАВЛАТ ТИЛИДА РАСМИЙЛАШТИРИЛМАЯПТИ: "Типовой договор на предоставление услуг населению предприятием электросвязи". (Тошкент шаҳар телефон тармоғи ташкилотларида "абонентлар" билан тузиладиган шартнома номи) "Договор на техническое и санитарное обслуживание квартир, находящихся в личной собственности граждан жилищно-эксплуатационными организациями г. Ташкента". (Тошкент шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси туман ташкилотларининг аҳоли билан тузган шартномалари номи) "Договор на открытие жилищного накопительного счёта и купли-продажи именных жилищных облигаций Ташкилсбербанка" ("Уй-жой, жамгарма банки" Тошкент шаҳар бўлимининг аҳоли билан шартномаси номи) "ТашгорПЭС, Энергосбыт." Ташгоротделение промстройбанка, р/сч "000221905. Лицевой счет абонента. "Абонентная книжка по расчётам за пользование электроэнергией" (Тошкент шаҳар электр қувватидан фойдаланиш ташкилотларининг аҳолига тарқатган тўловномаси).

ҲИОБҲАМҲИ

ҚАЙДАСАН, ЭРКАМ Оллоназар ДУСТМУРОДОВ - асли қашқадарёлик. Касби шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Нью-Йорк ФА аъзоси. Ўз соҳасининг молакали мутахассиси бўлиш билан бирга шеърятга ҳам ошуфта инсон. Кўпчилик уни кўнглининг одами дейишади. Бўлса Бордир. Бу софлар Оллоназар ака тахририятга кириб келганида қўлида бир доста шеърлари бор эди. Биз унинг шеърларида самимият борлигини сездик. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун сизнинг эътиборингизга унинг қўлидаги шеърини ҳовола этамиз.

Тунлари ой бўлиб осмон кезаман Зинистонлар ичра таиҳ сузаман, Тополмай ой каби ойдин чехрангини Аламга ботаман, ботиб тузаман - Қайдасан, дардимнинг маҳами, эркам?

Кундузи айлаиб шамсга - қуёшга Заминга нур сочиб сени излайман, Тополмай Бухоринг, қумуш нигоҳин Қайдасан, дардимнинг маҳами, эркам?

Юлдузлар сўнади, ой ҳам ботади, Қуёш ҳам нур сочиб кундуз ўтади, Лекин умид мангу, умид қолади: Оброний ҳажрингда ёниб кетади - Қайдасан, дардимнинг маҳами, эркам?

Оллоназар ОБРОНИЙ

ХАЛҚ БИЛАНДИР Халқ биландир раҳбарнинг шодлик, кайфу савоси, Улар билан мустаҳкам ҳар соҳанинг асоси.

Жамоадан айрилган кишининг охири вой, Бор қилар ҳам йўқ қилар кўпчилиқнинг дуоси.

Бошлиқ адолат қилса, ишлар олға силжийди, Адолат булмас экан, ошар элининг индоси.

Ақлни ишга солиб ишлаган бахт топади, Раҳбарга завол йўқдир, бўлса халқнинг фидоси.

Тура ЖУМАН

Кузинг нурга тўлсин, болажон!

"ИРФОН" - МАЪРИФАТ МАСКАНИ

ТАЪЛИМ ТАХРИРИЯТДАН: Республикаимизда халқ таълими соҳасида чўкур ислохотлар ўтказилмоқда: янги университетлар, академик лицейлар тизими оламга келди. Давлат тасарруфидидаги ўқув даргоҳлари билан бирга нодавлат таълим-тарбия масканлари ҳам пайдо бўлмоқдаки, бу ҳол қорхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш сиёсатининг амалий ҳосиласи сифатида баҳолашни мумкин. Ана шундай нодавлат ўқув даргоҳларидан бири - Мирзо Улўбек номидаги Тошкент давлат университети қошида ташкил этилган "ИРФОН" ўқув-ишлаб чиқариш шўба қорхонаси бўлиб, муҳбиримиз шу билим маскани директори, санъатшунослик фанлари номзоди Ҳожи Сотимжон Хожа Инъом Мунаввар билан мулоқотда бўлди.

- Домла! Аввало, янги билимгоҳнинг номи - "Ирфон" сўзини шарҳлаб берсангиз. - "Ирфон" сўзининг илдизи арабча "арафа"дан иборат бўлиб, бу истилоҳ "билим", "маърифат" каби маъноларни билдиради. "Арафа" илдизидан ташкил топган сўзлар ўзбек тилида кенг тарқалган: маърифат, маориф, ориф, маъруф ва ҳ.к. Тошкент давлат университети хузурида ташкил этилган бизнинг "Ирфон" ўқув-ишлаб чиқариш қорхонасининг асосий мақсади ҳам илму маърифат тарқатиш, элимиз қалбини илму ирфон нури билан мунаввар этишдан иборат.

- Шу кунларда турли курслар қўлайиб кетди. Шулар орасида Сиз раҳбар бўлган ушбу ўқув-тарбия даргоҳи қандай мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўйган? - Жавобни бир мисол ёрдамида айтмай: Газетхонларга маълум, янги алифбо - лотин алифбосига ўтиш муносабати билан боғлиқ муаммолар кўндаланг бўлмоқда. Дейлик, 5-6-синф ўқувчиларининг саводи чиқиб қолди. Лекин катта ёшдагилар, айтилик, қорхона ва ташкилот раҳбарлари, ишчилари, ходимлари бу борада бирнунча чаласавод бўлиб қолдилар. Улар неваралари билан бирга мактабга бориб алифбо ўрганолаётдилар. Хатто ўзини унча-мунча саводли деб билган, невараси билан бирга ўтириб алифбо ўрганаётган кишилар ҳам талай муаммоларга дучор бўляптилар. Қуна-

лари асослари билан қуроллантириш ниятидими. Не бахтки, "Журналистика" курси харидорлари ҳам кўп. Яқин келажақда ирфончилар газетангизни ранг-баранг хушқабарлар билан тўлдириб ташлашларига ишончимиз қомил. Сиз уларни ёритиш учун жой топсангиз бўлгани.

- Хушқабарлар учун саҳифаларимиздан ҳамма жой топамиз. Агар ирфончилар жойлардаги муаммоларни ҳам асосли равишда ёритиб борсалар янада мақсада мувофиқ бўларди. Ва, ниҳоят, манзилгоҳларингиз...

- ТошДунинг журналистика факультети биносида. Яъни, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9. Бу бино Бешёғондаги машҳур пойфазал фабрикаси рўпарасига жойлашган. Тингловчиларни шу бинода қабул қиламиз ва асосан шу бинода ўқитамиз.

- Битирувчиларга... - Тиллар бўйича диплом-сертификат, касб-билар бўйича "Гувоҳнома" берилади. Билим ва касбларини тасдиқловчи бундай ҳужжатлар билан неча минг-минг кишилар ўз иш жойларини топиб олишлари мумкин. "Ирфон"нинг асосий мақсадларидан бири ҳам ана шу - элимизнинг қалбини ёритиш ва уларни фойдали меҳнат жараёни билан банд этишдан иборат. Шунинг учун ҳам ушбу нур зий масканига хайрли қадамини қўйган ҳар бир ихлосмандни "Хўш келибсиз", деб қутиб оламиз.

бири ҳам ёшларга тил ўргатиш, касб-хўнар бериш, уларни фойдали меҳнат жараёнига жалб этишдан иборат. Хуллас, маърифатли киши кам бўлмайди.

- Тингловчиларни неча ёшдан қабул қиласизлар? - 7 ёшдан 70 ёшгача.

- Ўқиш-ўрганиш пуллик, албатта. Нарх-наволар... - Биласизми, ҳозирги замонда грант ҳам, контракт ҳам, пуллик курслар ҳам қиммат. Ҳа, қиммат. Бу — замон талаби. Бирок, бизнинг курсларда ўқиш ҳақи шу тоифадаги бошқа олий даргоҳлардагидан анча арзон, ҳатто 50-60 фоизгача арзон.

- Масалан, қаерларга нисбатан? - Мен одоқ юзасида бунди ошкор этолмайман, чунки бошқа ўқув юртлари ишга путур етказгандай бўлиб қоламан. Бизнинг "Ирфон" да таълим олишга бел боғлаган ихлосмандлар билан яқмама-яқма сўхбатда нарх-наволар қаерда қандай ва бизда қандай эканлигини қулроғига айтмай.

- "Ирфон" да "Ёш журналистлар мактаби" ҳам мавжуд экан. Мақсад? - Президент Ислам Каримов кўп марта журналистларни жойларга чиқиш, республика ҳаётига оид ўзгаришларни кенг ёритишга даъват этапти. Шунинг ҳисобига олган ҳолда жойларда яшаётган "Ёш журналист", "Хаваскор журналист" ёки "Қишлоқ муҳбири" номлари билан юртиладиган қалам аҳлини тарбиялаш ва журналистика жанр-